

КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИК ТЕЛЕБОШЛОВЧИ КАСБИЙ МАҲОРАТИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ СИФАТИДА

Юлдуз Қобиловна ЗОҲИДОВА

доцент

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети

Тошкент, Ўзбекистон

yulduz.zohidova83@mail.ru

Аннотация

Мақолада замонавий тележурналистикада телебошловчининг касбий маҳоратини баҳолаш мезони сифатида коммуникатив компетентлик муаммоси таҳлил қилинган бўлиб, унинг таркибий қисмлари – нутқ маданияти, вербал ва невербал ифода воситалари, психологик таъсир механизмлари ўрганилган. Шунингдек коммуникатив компетентлик телебошловчининг профессионал самарадорлигини белгилайдиган асосий омил экани асослаб берилган ва телебошловчиларнинг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: коммуникатив компетентлик, телебошловчи, нутқ маданияти, вербал ва невербал коммуникация, касбий маҳорати.

КОММУНИКАТИВНАЯ КОМПЕТЕНТНОСТЬ КАК ОСНОВНОЙ ФАКТОР ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО МАСТЕРСТВА ТЕЛЕВЕДУЩЕГО

Юлдуз Кобиловна ЗОХИДОВА

доцент

Университет журналистики и массовых коммуникаций Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье анализируется проблема коммуникативной компетентности как критерия профессионального мастерства телеведущего в современном медиапространстве. Рассмотрены структурные компоненты коммуникативной компетентности – культура речи, вербальные и невербальные средства выразительности, а также механизмы психологического воздействия. В результате обосновано, что коммуникативная компетентность является ключевым фактором профессиональной эффективности телеведущего. Разработаны практические рекомендации по совершенствованию профессиональной подготовки специалистов.

Ключевые слова: коммуникативная компетентность, телеведущий, культура речи, вербальная и невербальная коммуникация, профессиональная деятельность.

Ижтимоий ҳаётни акс эттирадиган телевидение инсоннинг юксалишига, маънавий ва ахлоқий ўсишига ҳисса қўшувчи восита бўлиб хизмат қилади. ОАВнинг бу тури мазкур вазифани биринчи навбатда, нутқ маданияти ва билими юқори ҳамда дунёқараши кенг профессионал бошловчилар орқали бажаради. Шунинг учун ҳам кўп миллионли аудиторияга мурожаат қиладиган телебошловчига катта талаблар қўйилади. Унинг фаолияти ўз устида доимий ишлашни, юксак профессионал маҳоратни ҳамда узлуксиз касбий ривожланишни талаб қилади. Шу сабабли телебошловчининг самарали фаолиятини белгилаб берувчи мезонларнинг илмий асосланганлигини тадқиқ этишга бўлган эҳтиёж юқори ҳисобланади. Бу эса телебошловчилар меҳнат самарадорлигини оширишга, шунингдек, улар фаолияти сифати ва ишга қабул қилишда қўйиладиган талабларни такомиллаштиришга хизмат қилади. Бугунги кунда миллий телевидение назариясида телебошловчининг «коммуникатив компетенцияси» тушунчаси етарлича тадқиқ қилинмаган. Бу тушунча амалиётчилар учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлса-да, ушбу соҳада тўпланган билим ва тажриба деярли тизимлаштирилмаган. Телебошловчининг коммуникатив компетенцияси масаласи хорижий ва маҳаллий тадқиқотларда қисман ёритилган бўлса-да, Янги Ўзбекистон даврида унинг тадрижий ривожини мустақил, тизимли ва комплекс тадқиқ этилмаган.

Коммуникатив компетенция – бу шахснинг турли ижтимоий ва коммуникатив вазиятларда мақсадли, самарали ва контекстга мос мулоқот олиб бориш қобилияти. Бу тушунча анъанавий лингвистик ёндашувлардан фарқли равишда уни ижтимоий контекстда тўғри қўллашни ўз ичига олади. Халқаро тадқиқотларда мазкур концепция биринчи марта лингвист Делл Хймес томонидан илгари сурилган. У “лингвистик компетенция” тушунчасини “коммуникатив компетенция” билан тўлдириш орқали ижтимоий мулоқот жараёнида қандай амалга ошишини ўрганишни таклиф қилган. Хймес назариясига кўра [1], мулоқот қилувчи сўзлаш қобилиятига эга бўлиши лозим, чунки тил мулоқотнинг мақсади ва вазифасига қараб

ўзгаради. M.Canale ва M.Swain эса коммуникатив компетенциянинг грамматик, социолингвистик, дискурсив ва стратегик компонентларини илмий асослаб берган [2].

Коммуникатив компетенция бир нечта асосий компонентлардан иборат:

грамматик компетенция – тилнинг фонетик, лексик, грамматик жиҳатларини тўғри қўллаш;

социолингвистик компетенция – ижтимоий контекст ва аудитория талабларига мос нутқни шакллантириш;

дискурс компетенция – матн ёки нутқий мулоқот тузилмаси ва мантикий боғлиқлигини таъминлаш;

стратегик компетенция – коммуникацияда юзага келган муаммоларни бартараф этиш стратегияларини қўллаш [3].

Ушбу компонентлар телебошловчи фаолиятининг назарий асосини ташкил этади, чунки телебошловчи аудитория билан самарали алоқа ўрнатиш учун ижтимоий ва стратегик қўникмаларга ҳам эга бўлиши мақсадга мувофиқ.

Тележурналистика ва медиа коммуникацияси доирасида телебошловчининг касбий фаолияти, аудиторияга таъсир механизмлари ҳамда эфир маданияти E.Goffman [4], J.Thompson [5], P.Scannell [6] тадқиқотларида таҳлил қилинган. Ушбу ишларда телебошловчи оммавий ахборот оқимини аудиторияга етказувчи марказий коммуникатор сифатида баҳоланиб, унинг нутқий услуби, ижтимоий роли ва аудитория билан мулоқот ўрнатиш қобилияти муҳим касбий омил сифатида эътироф этилган. Телебошловчининг коммуникатив компетентлигига бевосита бағишланган илмий тадқиқотлардан бири И. Смирнованинг «Коммуникативная компетентность телеведущего: критерии эффективности речевого поведения» номли диссертацияси ҳисобланади. Муаллиф коммуникатив компетентликни телебошловчи профессионал фаолиятининг асосий мезони сифатида талқин қилади. Унинг фикрича, телебошловчининг самарадорлиги

рейтинг кўрсаткичлари билан эмас, балки аудитория билан узоқ муддатли коммуникатив алоқа ўрнатиш ва таъсирчанлик даражаси билан баҳоланиши лозим [7]. Муаллиф коммуникатив компетентлик таркибига лингвистик, дискурсив, прагматик, стратегик ва социомаданий компонентларни киритиб, уларнинг интеграцияси телебошловчининг профессионал муваффақиятини таъминлашини асослайди.

Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг жамиятга таъсири кун сайин ортиб бораётгани сабабли телебошловчига нисбатан қўйиладиган талаблар ҳам тобора ошиб бормоқда. Бошловчилик касби юқори даражадаги гуманитар тайёргарликни, кенг фикрлаш қобилиятини, интеллектуал салоҳиятни ва мустаҳкам профессионал кўникмаларни талаб этади. Бирок мазкур мезонларга ушбу касб вакиллариининг барчаси ҳам жавоб беради деб бўлмайди. Муслимбек Йўлдошев «Сухандонлар» номли китобида телебошловчилик соҳасидаги оғриқли масалани кўтаради: “Бугунги кундаги телебошловчиларнинг қайси бирлари ҳақида биз бемалол, ишонч билан «мамлакат юзи» дея оламиз?! Бирларининг нутқида камчилик бўлса, яна бирининг томоғи хирилдоқ. Учинчиси эса... Жиддий тайёргарликдан ўтган, ҳақиқатан ҳам экранни безайдиганларни топиб келиш керак” [8]. Дарҳақиқат, бугун эфирга узатилаётган айрим телекўрсатувларни бошловчилик талабларига жавоб бермайдиганлар олиб бораётганига гувоҳ бўламиз. Шу ўринда 2026 йилнинг 24 январида «Ёшлар» телеканалида эфирга берилган «Ёшлар оқшоми» кўрсатуви бошловчисини мисол қилиб келтириш мумкин [9]. Йигит бошловчида (титрда исм-шарифи кўрсатилмаган) адабий тил меъёрларига риоя этмаслик, сўзларни тўғри ва аниқ талаффуз қилмаслик, меҳмонни ҳурмат ва диққат билан тингламасдан, унинг сўзини бир неча бор бўлиш ҳолатлари кўп кузатилди. Хусусан, «қизларни» сўзини «қизларди» тарзида талаффуз қилиши, студияга таклиф этилган меҳмон Маъмурбек Холмедовнинг фикрини якунлашига имкон бермаслиги, натижада меҳмоннинг кесатиқ ва ҳазиломуз тарзда: «Менинг ўрнимга ўзингиз жавоб бериб қўя қолинг» ёки «Менинг ўрнимга расмимни қўйсангиз бўлар экан»

дея жавоб қайтаришга мажбур қилиши бошловчининг коммуникатив компетентлигида муайян камчиликлар мавжудлигини кўрсатади. Дастур олиб боровчининг баланд овозда гапириши нафақат томошабинни, балки студия меҳмонининг ҳам ғашини келтирди. Ҳатто меҳмон Маъмурбек Холмедов бошловчига қараб: «Нима учун баланд овозда бақириб гапирасиз?» дея эътироз билдирди. Сухбат жараёнини кузатар экансиз, бошловчининг мақсади меҳмонни гапиртиришдан кўра, ундан ҳам билимлироқ эканини намоён этишга қаратилгандек таассурот қолдиради. Бу ҳолат бошловчининг журналистикага оид назарий адабиётлардан етарли даражада хабардор эмаслигини кўрсатади. Зеро, Эрик Фихтелиуснинг «Журналистиканинг 10 қонидаси» китобида қуйидаги фикрлар келтирилади: «Интервьюга жон бағишлаш учун, сухбат маромига мос саволлар бериш учун репортёрда тинглаш қобилияти бўлмоғи керак. Ўз сухбатдошини жон қулоғи билан тинглаш муваффақиятли интервьюнинг иккинчи ярмидир... Сухбатдошнинг сўзини чала қолдириб бўлиш ярамайди, унга фикрини охиригача айтишга имкон яратиш керак» [10]. Назаримизда, «Ёшлар оқшоми» кўрсатуви учун бошловчини танлаш жараёнида хатога йўл қўйилган. Бошловчининг ташқи кўриниши, ўзини тутиш одоби эфир талабларига жавоб бермайди. Хусусан, стулда нотўғри ўтириши, қаддининг тик эмаслиги, букик ҳолати, беўхшов қўл ҳаракатлари, сўзларни равон талаффуз этмаслиги эфир сифатига салбий таъсир кўрсатди.

Дастур давомида берилган ҳар бир реклама танаффусидан сўнг, бошловчининг «Ҳа-ҳа, азизлар, дастуримиз давом этади» деган жумлаларида «ҳа-ҳа» сўзи нотўғри қўллангани ҳам эътиборни тортди. Сўнгги пайтларда кўпгина рекреатив йўналишдаги кўрсатувларда бошловчиларнинг рақсга тушиши кузатилмоқда. Балки бу дастурга кўтаринки руҳ бағишлар, аммо назаримизда, бошловчи аввало вазминлиги, одоби ва хулқ-атвори билан ажралиб туриши лозим. Рақсга тушишда ҳам ўзига хос назокат талаб этилади. Кўтаринки кайфиятни беўхшов ҳаракатлар билан ифода этишни

оқлаб бўлмайди, бунинг ўрнига хонанда ижро этаётган кўшиқни диққат билан тинглаб, қарсак билан қўллаб-қувватлаш етарли.

Бошловчи суҳбат давомида меҳмоннинг гапларини яна бир неча бор бўлишга уринди. Маъмурбек Холмедов эса жаҳли чиққан бўлса-да, ҳазиломуз оҳангда: «Онам шундай дер эдилар: аҳмоқлардан хафа бўлмагин», – деб жавоб қайтарди. Унинг бу сўзлари бошловчига берилган баҳо эди.

Айтиш жоизки, бугун томошабиннинг телевизор томоша қилишдан четлашиш сабабларидан бири касбий маҳоратга эга бўлмаган, эфир маданияти талабларига жавоб бермайдиган бошловчиларнинг кўпайиб бораётганидир. Сўнгги 15 йил ичида телевидениедаги мулоқот конфигурацияси тубдан ўзгарди. Илгари тил ва коммуникатив меъёрларга катъий мувофиқ равишда тайёрланган расмий мулоқот ўрнини тобора кўпроқ тайёрланмаган, аниқ ва табиий мулоқот эгалламоқда. Расмий ва норасмий ижтимоий мулоқот ўртасидаги кескин чегара аста-секин йўқолиб борапти. Телевизион мулоқотда норасмийлик даражаси ортиб, телебошловчилар нутқида кўпроқ сўзлашув услубига хос, стилистика жиҳатдан сўзларнинг нотўғри қўлланилиш ҳолатлари учрамоқда. Нутқда бундай элементларнинг ўринли ёки ўринсиз қўлланишини ҳис қилиш қобилияти телебошловчининг энг муҳим касбий фазилатларидан бири ҳисобланади.

Кўплаб бошловчиларнинг нутқ маданиятига нисбатан беътибор муносабати, нутқда учрайдиган кўплаб хатолар уларнинг тил компетенциясининг паст даражада эканлиги билан изоҳланади ва бу ҳолат телеаудиторияга салбий таъсир кўрсатиб, нафақат тил меъёрларига, балки умумий ижтимоий меъёрларга нисбатан ҳам салбий муносабатни шакллантиради.

Самарали нутқий коммуникация деганда, етказилаётган хабарнинг маъно жиҳатидан адекват қабул қилиниши ва тўғри интерпретация қилиниши натижаси тушунилади. Агар ретсипиент (қабул қилувчи) матн қандай мақсадда яратилганини, қўллаган барча ифодавий воситалар орқали нима демоқчи бўлганини англаб етса, у ҳолда матн мазмуни адекват талқин

килинган, деб ҳисоблаш мумкин. Оғзаки ёки ёзма хабарни нотўғри тушуниш эса жиддий хатоларга олиб келиши, ҳатто кераксиз низоларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Телебошловчида коммуникатив компетентликни ривожлантириш унинг касбий фаолият самарадорлигини таъминлашда асосий ва ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Коммуникатив компетентлик нафақат телебошловчининг нутқ маданияти ва вербал ҳамда новербал ифода имкониятлари даражасига, балки аудитория билан самарали ва интерактив мулоқот ўрнатиш қобилиятига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Коммуникатив компетентлик телебошловчининг профессионал имижини, эфир маданияти ва аудитория билан ижтимоий алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилади. Шу билан бирга замонавий телевидение шароитида бу компетентлик телебошловчининг ижодий ва интерактив ёндашувларини ҳам шакллантиради.

Тадқиқот доирасида қуйидаги асосий тавсиялар ишлаб чиқилди:

биринчидан, телебошловчи ўз нутқида ишонтирувчи ва таъсирчан усулларни қўллай олиши, лексик ва семантик потенциални тўлиқ ривожлантириши, шунингдек, хабар мазмунини аниқ ва тушунарли етказиш имкониятига эга бўлиши лозим;

иккинчидан, нутқ маданияти, лексик ва стилистик қоидалар ҳамда коммуникация кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган мунтазам тренинглар ўтказилиши мақсадга мувофиқ, бу эса телебошловчиларнинг касбий тайёргарлигини мустаҳкамлайди;

учинчидан, овоз ва нутқ тембри, мимика, ишоралар каби вербал ва новербал воситалардан самарали фойдаланиш аудиторияни жалб қилиш, хабар мазмунини тушунарли ва таъсирчан етказишга ёрдам беради;

тўртинчидан, аудитория билан жонли фикр алмашиш, савол-жавоблар орқали интерактив мулоқотни ташкил қилиш ҳамда телебошловчиларнинг профессионал кўникмалари самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш теледастурлар сифатини оширади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Hymes D. On Communicative Competence // Sociolinguistics: Selected Readings / ed. by J. B. Pride and J. Holmes. – Harmondsworth: Penguin, 1972. – P. 269–293.
2. Canale M., Swain M. Theoretical Bases of Communicative Approaches to Second Language Teaching and Testing // Applied Linguistics. – 1980. – Vol. 1(1). – P. 1–47.
3. Vogel C. Communicative Competence: Linguistic Aspects// International Encyclopedia of the Social & Behavioral Sciences – 2nd ed. – Oxford: Elsevier, 2015. – P. 294–301.
4. Goffman E. The Presentation of Self in Everyday Life. – NY.: Anchor Books, 1959.
5. Thompson J. The Media and Modernity: A Social Theory of the Media. – Cambridge: Polity Press, 1995.
6. Scannell P. Radio, Television and Modern Life. – Oxford: Blackwell Publishers, 1996.
7. Смирнова И. Коммуникативная компетентность телеведущего: критерии эффективности речевого поведения: автореферат диссертации кандидата филологических наук. – Москва, 2010.
8. Йўлдошев М. Сухандонлар. – Тошкент: Ижод-пресс., 2017.
9. «Ёшлар» телеканаллари «Ёшлар оқшоми» кўрсатуви, 2026 йил 24 январьдаги сони.
10. Фихтелиус Э. Журналистиканинг 10 қоидаси. – Тошкент: Шарқ, 2002.